III-Я нсори парт

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 174 (8414). 13 сентябрь, 1984 йил ● ПАЙШАНБА Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига меҳнат коллективлари олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан халқ депутатлари Термиз шаҳар Советининг ишини муҳокама қилди. Президиум мавжуд камчиликларни кўрсатиб, шаҳар Советига бу соҳадаги ишларни яхши йўлга қўйиш чораларини кўришни таклиф этди. Республика Госпланига, Энергетика ва электрлаштириш уй-жой-коммунал хўжалиги, Маҳаллий саноат министрликларига ва Сурхондарё область ижроия комитетига шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатиш топширилди.

Самарқанд область халқ депутатлари Советларининг аҳолини актив ижтимоий — фойдали фаолиятга жалб этиш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Область маҳаллий Советларининг ишида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида кўпгина камчилик ва нуқсонлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган меҳнатга қобилиятли аҳолининг ҳиссаси йил сайин камайиб бормоқда. Областда сменалик коэффициентини оширишга, касаначиликни, иш куни ёки иш ҳафтаси қисқартирилган меҳнатни ташкил этишга етарли эътибор берилмаётир. Область қишлоқ хўжалигида жалб этилган шахсларнинг меҳнат чиқимлари асоссиз равишда кўпаймоқда. Президиум областдаги маҳаллий Советларга аҳолини иш билан кўпроқ таъминлаш чораларини кўришни, ижтимоий фойдали меҳнат ишга яроқли ҳар бир граждан-нинг ҳуқуқи бўлибгина қолмай, балки бурчи ҳам эканлиги тўғрисида конституцияда баён қилинган қоидани тўла амалга оширишни топширди.

Қоракўл район халқ депутатлари Советларининг 1984 йилда пахта териш кампаниясини уюштириш соҳасидаги фаолияти муҳокама қилинди. Бу районда 55 минг тонна пахтани муваффақиятли равишда тайёрлаш учун дефолиацияни ўз вақтида ва сифатли тугаллаш, пахта териш техникасининг, пахта конвейерининг барча участкалари ва звенолари ишини пухта уюштириш зарур эканлиги таъкидланди.

Шаҳар ва уй-жой-коммунал хўжалиги қиш фаслига қандай тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ҳисоботи тингланди. Шаҳарда бу соҳада катта иш қилинаётганлигига қарамай, тегишли министрликлар ва идоралар ўтган қиш фаслининг сабоқларидан тегишли хулосалар чиқариб олмадилар ва зарур ишларни сust бажармоқдалар, деб уқтириб ўтилди.

Президиум шаҳар ва уй-жой-коммунал хўжалигини қиш шароитида ишлашга ўз вақтида тайёрлаш учун Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. О. Козимовга, теплотехника иншоотларининг пухта ишлаши учун Энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳ. Ҳамидовга, газ билан муттасил таъминлаб туриш учун «Союзузбекгазпром» бирлашмасининг бошлиғи А. Р. Отажоновга, қурилаётган иссиқлик таъминоти объектларини ўз вақтида ишга тушириш учун Қурилиш министри Ф. Г. Потуремскийга, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиевга, «Узбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси А. К. Эргашевга ва «Средазтрансстрой» трестининг бошқарувчиси В. М. Пишкинга шахсан масъулият юклади.

Хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалалари билан шуғулланувчи комиссиянинг материалларига мувофиқ Ўзбекистон ССРнинг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларини бажариш соҳасида область маҳаллий Советлари қандай ишлаётганлиги ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Ижроия комитетлари, доимий комиссиялар ва Совет депутатларининг диққат-эътибори соғлиқни сақлаш органларининг, даволаш — профилактика муассасаларининг фаолиятини бутун чоралар билан яхшилаш зарурлигига қаратилди.

Республика давлат ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

ОЛТИН кузнинг олтин дамлари етиб келди. Азамат қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг йил бўйи қилган меҳнатларига якун чиқарилаётир. Якунлар салмоқли, залворли ва қувончли бўлиши керак. Боғ-роғларда мева, узумдан мўл ҳосил етиштирилди.

Пахтакорлар ҳаётида ҳал қилувчи давр бошланди. Улар юбилей йили хирмонини бунёд этишга киришдилар. Бир сўз билан айтганда агросаноат комплекси меҳнаткашлари 1984 йилни ҳар бир соҳада муваффақиятли якунлаш, Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бугун, айниқса, пахта далаларининг ҳусни-жамоли, таровати ўзгача. Қалб қўри, юрак меҳри билан ўстирилган сершоҳ ғўза тупларидаги шода-шода кўсаклар бодроқдек очилиб, ўзини кўз-кўз қилмоқда. Кўпмингкилограммчи чевар теримчилар меҳнати билан тернлган дастлабки тонналарни ташкил топган қизил карвонлар бир неча кун бурун пунктлар томон йўл олди. Навбат машина теримига: «Зангори кема»ларнинг пахтаюрларга олиб чиқилишига саноқли кунлар қолди. Областимизда бу ишга қизғин тайёргарлик кўрилди. Дефолиация оби-тобида ўтказилаётир, механизаторлар «пўлат от»ларини «жангга» шай қилиб турибдилар. Элга берган сўзимизнинг, албатта, уддасидан чиқамиз, етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тезроқ йиғиб оламиз, она-Ватанга мўл, сифатли пахта етказиб берамиз, дейишмоқда пахтакорларимиз.

КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми кўрсатмаларини амалга ошириш учун астойдил енг шимариб, кураш олиб бораётган пойтахт области пахтакорлари бу йил ҳам қийинчиликларни ақл-идрок билан енгиб, фидокорона меҳнат қилдилар, далаларда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етиштирдилар. Асосий диққат-эътибор ердан унумли фойдаланишга, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, илғор лажрибаларни жорий этиб, гектарларнинг тўлалиги, кўчатларнинг бутлигини таъминлашга, энг муҳими эртаги, сифатли ҳосил етиштиришга қаратилди. Шу мақсадда зарур тадбирий чоралар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Ҳеч кимга сир эмас, авваллари пировард натижалар учун ягона жавобгарлик ва қатъий талабнинг йўқлиги оқибатида айрим ҳолларда пахтачиликда жиддий чалкашликларга, хомашёни қабул қилиш даврида ва қайта ишлаш вақтида пахтанинг нормативдан ортиқча нобуд бўлишига йўл қўйиш сингари кўнгилсиз воқеалар учраб турар эди. Эндиликда бундай салбий ҳодисаларга барҳам бериш учун кескин тадбирлар кўрилмоқда.

Шу йилнинг июль ойи охирида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси пахта ва бошқа маҳсулотларни етиштириши кўпайтириш ва сифатини ошириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ерларни суғориш, минерал ўғит ва техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш натижасида қилинган яхши ишлар таъкидланиши билан бирга қатор ҳолларда пахтани харид қилиш ва уларнинг кўпайиши пахта етиштириш ва сифатини тегишли даражада ошириш билан боғлаб олиб борилмаганлиги таъкидланди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда пахта етиштиришни янада кўпайтириш, пахтакор хўжаликлар ва пахта тозалаш саноати раҳбарларининг мавжуд резервлардан фойдаланиш, давлат стандартига қатъий риоя қилиш, маҳсулотнинг бузилиши ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган бир қатор ташкилий-агротехник тадбирлар белгиланди. Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш билан шуғулланувчи агросаноат бирлашмаларини ташкил этиш, шунингдек, пахтанинг сифати ва толасига қараб қабул қилишга ўтиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди.

Бу йилги мавсумда етиштирилган ҳосил янгича тартиб асосида қабул қилинади. Бу тартибнинг моҳияти шундаки, пахта учун ҳисоб-китоб унинг сифати ва тола миқдорига қараб икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда хўжаликка ҳар куни зонал харид баҳолар асосида топширилган пахта нархининг 90 процента миқдорида ҳақ тўлаб борилади. Иккинчи босқичда — пахтани қайта ишлаш тугаллангандан кейин олинган толанинг сифати ва миқдорига қараб хўжаликлар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

Табиийки, бу тадбирлар пухта ва изчил амалга оширилса, шерикларнинг манфаатлари тўла ҳисобга олиниб, иш юритилса, хўжаликлар ҳам, саноат корхоналари ҳам катта иқтисодий самара оладилар. Бу мақсадга эришмоқ учун пахта комплексига оид ишларни теримнинг дастлабки кунларидаёқ уюшқоқлик билан белгиланган тартиб-қондаларга қатъий риоя қилган ҳолда йўлга қўйиш талаб этилади.

Илғор раҳбарлар, колхозлар, совхозлар ана шуларни ҳисобга олиб, пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар имкониятларни, резервларни тўла сафарбар қилиш, пахта йиғим-терими ва давлатга топшириш пайтида кучларни тўғри тақсимлашга асосий эътибор бермоқдалар. Бўка районидаги Фрунзе номли, «Октябрь 40 йиллиги», Янгийўл районидаги «Коммунизм», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Бекобод районидаги Ленин номли колхозлар йиғим-терим даври учун белгиланган тадбирларда бу масалаларга катта эътибор беряптилар. Мана шундай илғор хўжаликларда терим техникаси барвақт ремонтдан чиқарилиб, тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди.

Пахтазор — чинакамига мардлар майдонига айланадиган кунлар узоқ эмас. Ҳамма ерда ишни илғорлар тажрибаси асосида ташкил этайлик. Бу йил пахта ҳосили янгича тартибда, толаси ва сифатига қараб қабул қилиниши ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси, айниқса, механизаторлар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки бу йил ҳам ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинади. Машиналарда сифатли пахта териб олишга эришиш эса шу кунларда дефолиация ишларини сифатли, маромида амалга оширилишига, механизаторларнинг маҳорати, терим техникасининг қай даражада мавсумга созлаб қўйилганлигига боғлиқдир.

Ҳамма ерда терим машиналарининг юксак унум билан ишлашига замин яратиш учун пишиқ пухта ҳозирлик кўрайлик. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда терим агрегатларининг қандай созлаб қўйилганлигини яна бир бор кўрикдан ўтказиш, камчиликлар аниқланса, дарҳол уни тугатишга қаратилган чораларни кўриш лозим.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, терим конвейерининг пухта ва бетўхтов ишлаши кўчма устахоналарнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларда диспетчер, ниженерлик хизматининг юксак савияда бўлиши таъминланиши керак.

Колхоз ва совхозларда ҳисоб ишларини юритиш, шунингдек, хўжаликларнинг пахта етиштирувчи бригада ва звено аъзолари билан ҳисоб-китоб ўтказиш бўйича янги системани жорий этиш учун пухта тайёргарлик олиб борши шарт. Бу ишнинг муваффақияти кўпроқ бухгалтерлар, экономистлар ва бошқа ҳисоб-китоб ходимларининг фаолиятига боғлиқдир. Шунга эришмоқ керакки, етиштирилган ҳосил фақат юқори сортларга топширилсин. Бунинг учун колхоз ва совхозларда сифат комиссияларн, халқ назоратчилари ишини ҳар жиҳатдан жонлантириш зарур. Улар вақти-вақти билан далаларни айланиб, механизаторлар, теримчилар, хирмонда ишловчилар меҳнатининг ташкил қилинишини назорат қилиб турсинлар. Ўзаро социалистик мусобақа ғолибларини белгилаш ва тақдирлашда ҳосилнинг сифати ва салмоғи асосий белги қилиб олиниши лозим.

Бепоён пахтазорларда юбилей йили улкан хирмонини барпо этиш, она-Ватанга сифатли ва мўл пахта етказиб бериш учун курашни тобора авж олдирайлик!

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАНОҚ ТЕРИМДА УЮШҚОҚЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ, ДАВЛАТГА ФАҚАТ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА ТОПШИРИШ УЧУН КУРАШАЙЛИК. • ҲАММА ЕРДА ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗ, СОЗ ЎТКАЗИБ, ДАЛАЛАРНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛАНГ. • ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИНГ СОЗЛИГИНИ ЯНА БИР БОР СИНЧИКЛАБ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ДЕФОЛИАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

● БЎКА. «Коммунизм» колхози пахтакорлари районда биринчилардан бўлиб, дефолиацияни тугаллаган. Мавжуд 600 гектар майдондаги ғўзалар тўлиқ ОВХ агрегатлари ёрдамида дефолиациядан чиқарилди. Бу муҳим тадбирни муддатида ва сифатли ўтказишда Холтурсин Шомуродов, Элбой Нуралиев, Мансур Мўминов, Аввалбек Соғинбоев сингари механизаторлар жонбозлик кўрсатдилар. Шунинг диққатга сазоворки, колхозда биринчи дефолиациянинг ўзидаёқ ғўза баргларининг 100 процент тўкилишига эришилди. Эндиликда хўжалик деҳқонлари машина теримига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

СУРЪАТ ОШЯПТИ

● ЯНГИЙЎЛ. Район хўжаликларида танлаб пахта териш кундан кунга қизиб боряпти. Ўтган куни «Октябрь» колхозида 8875 килограмм пахта териб олинди. Бу райондаги энг юқори кўрсаткичдир. Бу соҳада хўжаликнинг Офтобхон Расулова бошчилик қилаётган бригадаси пешқадамлик қиляпти. Бригадада ҳар бир киши ҳисобига ўртача 65—70 килограммдан «оқ олтин» терилишига эришилмоқда.

«ЗАРБДОР» ОТРЯДЛАР ИШ БОШЛАДИ

● ЧИНОЗ. Ҳар йили Чиноз район комсомол комитетининг ташаббуси билан «Зарбдор» комсомол-ёшлар отрядлари тузилиб, улар «оқ олтин» йиғим-теримида пахтакорларга яқиндан кўмаклашадилар. Куни кеча комсомол-ёшлар яна ташаббус билан чиқдилар. Турли соҳа ёшларидан 12 та зарбдор отряд ташкил этилди. Бу отрядларнинг аъзолари юбилей йилида 2,5 минг тонна «оқ олтин»ни териб беришга аҳд қилдилар.

КУНИГА 3 ПРОЦЕНТ

● БЕКОБОД. Ленин номли колхознинг Бекназар Олланазаров бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Ана шу мақсадда бригадада пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Айни пайтда кунига йиллик планнинг 2,5—3 процента миқдорида пахта тайёрлашга эришилмоқда. Коллективнинг Ҳонзода Холбоева, Бувиниса Нурбекова, Манзура Тожибоева, Лола Олланазарова сингари чевар теримчилари ҳар куни 110—120 килограммдан «оқ олтин» териб хирмонга тўкишмоқда. Бу кўпмингкилограммчилар юбилей йилида 10 тоннадан пахта теришга аҳд қилишди.

КОЛХОЗ ЛУБКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари ҳамма соҳаларда салмоқли ютуқларга эришмоқдалар. Куни кеча хўжалик лубкорлари ҳам дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар районда биринчи бўлиб йиллик каноп тайёрлаш планини бажардилар. Мавжуд 665 гектар майдондан пландаги 12 минг тонна ўрнига 12 минг 868 тонна каноп пояси ўриб-йиғиб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 190 центнерни ташкил этди.

Колхознинг бу ютуғига Эркин Каримов бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 12 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, иккинчи устун — мавсум бошидан буён. (Планга нисбатан процент ҳисобида).

Янгийўл	0,4	1,82
Чиноз	0,43	1,20
Бўка	0,11	0,46
Оққўрғон	0,06	0,41
Пискент	0,15	0,39
Ғалаба	0,10	0,39
Бекобод	0,24	0,32
Коммунистик	0,11	0,14
Ўрта Чирчиқ	0,04	0,12
Область бўйича:	0,16	0,51

Бу дугоналар Бўка районидаги Ленин номли колхознинг илғор теримчилари (чапдан ўнгга) Шоира Ҳайдарова, Фотима Шодмонова ва Шоҳида Ҳайдаровалар юбилей йилида 7—8 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган. Улар йиғим-теримнинг дастлабки кунларидаёқ ўзаро социалистик мусобақа асосида иш юритиб, кунлик нормаларни 1,5—2 ҳиссага адо этмоқдалар.

Ж. ТУРАЕВ фотоси.

КУНИГА 150 ПРОЦЕНТДАН

4-трестнинг 6-қурилиш бошқармасига қарашли Сергей Зинчук бошчилигидаги комплекс бригада қурувчилари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили планларини шонли сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига қадар бажариш учун зардорона меҳнат қилмоқдалар.

Коллективда бригада пудрати асосида меҳнатнинг ташкил этилиши қурилиш-монтаж ишларини янада жадаллаштиришга, иш унумини ортишига имкон яратмоқда. Ишлаб чиқаришнинг бу самарали усули шарофати туфайли кунлик топшириқ белгиланганидан анча ошириб адо этилмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети маълум қиладики, ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг ХІІ сессияси ... йил 14 сентябрь куни соат 17.00 да область партия комитетининг мажлислар залида (Ш. Рашидов проспекти, 9) очилади.

Депутатлар шу ернинг ўзида соат 15.00 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети.

БУЮК ҚАРДОШЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Совет шарқи халқлари социал ва иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларида эришган муваффақиятлар ленинча миллий сиёсат тантанасининг, коммунистик бунёдкорлик йўлидан қўлни-қўлга бериб бораётган миллий республикалар тарихий ютуқларининг яққол далилидир. Октябрь революцияси ғалабаси, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли озод бўлган совет шарқи халқлари эркин республикалар ягона оилаида тарихан қисқа муддат ичида ҳақиқатдан ҳам асрларга тенг йўлни босиб ўтдилар.

12 сентябрь куни Тошкентда «Совет шарқи халқларининг тарихий тақдирида рус халқининг роли» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев конференцияни кириш нутқи сўзлаб очди.

Республика Ўзининг шонли юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўраётган ҳозирги пайтда у олтмиш йил мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида экономика, фан ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлар айниқса яққол намоён бўлиб зўр таассурот қолдираётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу муваффақиятлар жуда кўп жиҳатдан рус большевикларининг, рус халқининг кенг кўламдаги олижаноб ёрдами билан, барча совет кишиларининг қардошларча ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги билан боғлангандир. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари коммунистик қурилиш соҳасида ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш гарови — мана шу метиндек бирликдадир.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг улуғ рус халқи билан дўстлиги сарчашмалари тўғрисида, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти сектор мудири, тарих фанлари доктори М. И. Куличенко рус социалистик миллатларининг интернационализми ҳақида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори, республика Фанлар академиясининг академиги Ҳ. Т. Турсунов Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширишда Россия ишчилар синфи билан маҳаллий миллат меҳнаткашларининг ҳамдўстлиги тўғрисида, Тожикистон ССР Фанлар академияси президиуми ижтимоий фанлар бўлимининг академик секретари, Тожикистон Фанлар академиясининг академиги С. А. Ражабов Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари совет миллий давлатчилигини барпо этишда ва ривожлантиришда В. И. Ленининг, партиянинг, Россия пролетариатининг роли ҳақида, Қозоғистон ССР Фанлар академияси тилшунослик институтининг директори, Қозоғистон Фанлар академиясининг академиги А. Т. Қайдаров қозоқ тилини тадқиқ этишда рус туркшуносларининг роли тўғрисида, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг директори, тарих фанлари кандидати Р. М. Карриева совет шарқи хотин-қизларини озод қилишда рус халқининг роли тўғрисида доклад қилдилар.

Конференцияда Коммунистик партия, унинг ленинча принципларга таянувчи илмий асосланган сиёсати миллий масалани социалистик тарзда ҳал этишнинг раҳбар ва раҳнамо кучи эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шу сиёсат натижасида қолоқ миллий чекка ўлкалар абадий барҳам топди, яхлит иттифоқ халқ хўжалик комплекси вужудга келди, Совет шарқи республикаларида замонавий ишчилар синфи ўсиб етишди, колхозчи-деҳқонлар янги йўлдан бормоқдалар, илғор зиёлилар воя-га етди, юқори малакали мутахассислар етиштирилди. Совет республикалари ўртасидаги қардошларча қалин ўзаро алоқалар, маънавий бойликларни баҳам кўриш асосида миллий маданиятлар равнақ топиб, кўп миллатли совет маданиятининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Мана шу ютуқларнинг ҳаммасини улуғ рус халқининг беғараз қардошларча ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмаслиги қайд этиб ўтилди. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида, ССР Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларни бир-бирига яқинлаштиришда, уларни жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд этишда рус тили, ғоят катта роль ўйнайди. Рус тили миллионлаб кишиларнинг ҳаётига табиий равишда кириб, миллатлараро алоқаларнинг муҳим воситаси бўлиб қолди.

Совет халқлари улуғ дўстлигининг сарчашмалари узоқ ўтмишдан бошланади, дейилди конференцияда. Ҳар томонлама савдо иқтисодий алоқалар қадим замонларданоқ ривожлана борган эди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши натижасида маҳаллий аҳоли рус халқи билан жуда яқинлашди, бу эса шарқда прогрессив ўзгартишларнинг омили бўлди. Ғоят кенг халқ оммасининг социал ва сиёсий онги ўсишида рус маърифатпарвар олимларининг, фан ва маданият арбобларининг, революцион пролетариатнинг роли ғоят катта. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгандан кейин, Туркистонда социалистик муносабатлар қарор топиб ривожланаётган йилларда, феодализм сарқитларига қарши, янги идеалларни барқарор қилиш учун олиб борилган кураш йилларида рус халқи шарқ халқларига бебаҳо ёрдам кўрсатди. Улуғ ғоялар билан бирлашган совет кишиларининг ўша пайтда вужудга келган бирлиги дастлабки беш йилликлар даврида, мамлакат барча миллатлари ва элатларига мансуб кишилар социалистик Ватанни ҳимоя қилиш учун елкама-елка туриб фашизмга қарши беомон жанг қилган йилларда тобланди.

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги бизнинг кунларимизда янги мазмун билан бойиди, деб таъкидлашди докладчилар. Ҳозир СССР халқлари КПСС XXVI съезднинг режаларини амалга ошириш соҳасида бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Совет шарқи республикалари СССРдаги бошқа барча республикалар билан муштарак иш ва юмушлар туфайли боғлангандирлар. Биз бирликда Ўрта Осиё саноатини, ўлка пахтачилигини янги поғонага кўтармоқдамиз, янги шаҳарлар барпо этиб, посёлкаларни обод қилмоқдамиз, Байкал—Амур магистрали ва газ қувурларини биргаликда ётқизмоқдамиз, Сибирда жуда катта ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этмоқдамиз, қўриқ ерларни ўзлаштирмоқдамиз. Планетада тинчликни мустаҳкамлаш, севикли Ватан қудратини кучайтириш учун биргаликда курашмоқдамиз.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ҲИСОБОТ - САЙЛОВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Областимиздаги 4710 партия группаси ва 3750 та цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Партия группалари йиғилишларида ҳисобот доклади юзасидан коммунистларнинг 52,2 процентти, цех партия ташкилоти йиғилишларида эса коммунистларнинг 28,1 процентти сўзга чиқди.

Йиғилиш иштирокчилари кадрларнинг топширилган ишга масъулиятини ошириш, партия раҳбарлиги услуб ва методларини такомиллаштириш, меҳнат коллективларини иқтисодий ва социал ривожлантиришга қаратилган 10480 та танқидий фикрлар ва мулоҳазаларни баён қилдилар. Ушбу фикр ва мулоҳазаларнинг 20 процентти ҳозирнинг ўзида амалга оширилди.

«Чирчиксельмаш» заводининг 7-цехи ишлаб чиқариш участкаси, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қаттиқ қотишмалар хизмати ва бошқа партия группаларида ҳисобот йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Янгиобод шаҳри, Бўка ва Оққўрғон районларидаги партия группалари ва цех партия ташкилотлари — йиғилишларида ҳам коммунистларнинг юксак активлиги сезилиб турди.

Йиғилишларда район, шаҳар ва область партия комитетлари масъул ходимлари сўзга чиқдилар.

Айрим йиғилишларга тайёргарлик пухта бўлмаганлиги яна эслатиб ўтишга тўғри келади. Жумладан, Сергели районидаги ошхона мебеллари заводи 16-цехи партия ташкилоти секретари А. Файрушинанинг ҳисобот доклади бор-йўғи 11 минутга чўзилди, холос. У ўз докладида ташкилий-партиявий ишларни анализ қилмади. Камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб ташламади. Докладда танқид ва ўз-ўзини танқидга жиддий эътибор қилинмади. Шунингдек, унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми қарорлари асосида коммунистлар олдида турган конкрет вазифалар белгилаб берилмади.

Баъзи йиғилишларда коммунистларнинг активлиги сезилмади, улар партия группаси ва цех партия ташкилотлари фаолиятларига таллуқли муҳим масалаларга ўз муносабатларини билдирмадилар.

Район ва шаҳар партия комитетлари ҳисобот-сайловларнинг боришини доимо контроль қилиб туришлари керак. Афсуски, Олмалиқ шаҳар партия комитети, Ғалаба, Коммунистик, Ўрта Чирчиқ, Калинин район партия комитетлари бу борада яхши иш олиб бормаяптилар.

Коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилишини қатъий контроль остига олиш барча партия комитетларининг энг муҳим вазифасидир.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

КОММУНИСТ токарь Ҳабибулла Тавхидов Тошкент тажриба-механика ремонт заводининг тажрибали ишчиларидан ҳисобланади. У бу корхонада ўн тўрт йилдан буён меҳнат қилмоқда. Ўз касбини пухта эгаллаган моҳир токарь тез ва соз ишламоқда. Шунинг учун ҳам унга деталларни шахсий тамға билан тайёрлаш ҳуқуқи берилган.

В. Сироткин фотоси.

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН: ТАЖРИБА, МУАММО, МУЛОҲАЗА

МУЛОҚОТ ЖОНЛИ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Давр бутун идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни тубдан такомиллаштиришни, партия сўзини омманинг қалбига ва онгига етказиш учун бу ишнинг энг таъсирчан ва самарали формаларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида мамлакатимиздаги бир қатор иттифоқдош республикалар ва областлар қатори Ўзбекистон ССР партия ташкилотлари омманинг кайфиятидаги ўзгаришларни сезгирлик билан пайқаб олиш, унинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини чуқур ўрганишга имкон берувчи пухта, оператив алоқа воситаларидан фойдаланишда қизиқарли тажриба тўпланганликлари қайд этилган эди.

Республикамиз партия ташкилотлари бу тажрибани янада бойита бориб, идеологик иш таъсирчанлигини тобора кучайтирмоқдалар. Шу йил май ойидан бошлаб барча меҳнат коллективларида ягона сиёсий кунни янгича ўтказиш йўлга қўйилганлиги ҳам бунинг далилидир.

Областимизда ҳам ягона сиёсий кунларни ўтказишда муайян тажриба тўпланди. Кўпгина партия ташкилотлари меҳнат коллективлари билан бўладиган жонли мулоқотга олдиндан пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Ягона сиёсий кунлар биз учун янгилик эмас, — дейди Паркент район партия комитетининг секретари А. Мақсудов. — Бу тадбирни аввал ҳам ўтказиб келганмиз. Лекин очиғини айтадиган бўлсак, илгарилари айрим раҳбар кадрлар у ёки бу сабабларни рўкач қилиб, меҳнат коллективлари билан учрашувдан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилардилар. Ҳозир эса мутлақо бошқача аҳвол. Партия ташкилотлари ҳар бир раҳбар кадрнинг ўз меҳнат коллективларида суҳбатлар ўтказишларига эришмоқда. Масалан, август ойида бўлиб ўтган ягона сиёсий кунда барча хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ўз коллективларида суҳбатлар ўтказишди.

Район партия комитети барча йирик партия-ташкилотларига сиёсий докладчилар юборади. Кичикроқ ташкилотлар эса бирлаштирилиб, суҳбат бир жойда ўтказилади.

Меҳнат коллективларида суҳбат ўтказадиган сиёсий докладчиларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Район газетасида ягона сиёсий кун ўтказишдан бир неча кун аввал сиёсий докладчига ёрдам тариқасида зарур материал эълон қилинади. Унда район экономикаси ва маданиятига доир факт ва рақамларга кенг ўрин берилади.

Меҳнат коллективларида ягона сиёсий кун ўтказилишидан бир неча кун илгари суҳбат мавзуи ҳамда сиёсий докладчининг фамилияси ва хизмат лавозими кўрсатилган эълонлар осиб қўйилади. Меҳнаткашларнинг саволлари учун қутилар қўйилади.

Бироқ район партия ташкилотларида ягона сиёсий кунга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда муайян тажриба тўпланган бўлишига қарамай ҳали айрим камчиликлар ҳам учраб туради. Масалан, август ойидаги ягона сиёсий кун ҳақидаги эълон «Навбаҳор» совхозида суҳбатдан бир кун аввалгина осиб қўйилди. Хўжалик меҳнаткашлари улар билан учрашиш учун ким келиши ва гап нима тўғрисида боришидан ўз вақтида хабардор бўлмадилар. Совхоз ишчилари тўплана бошлаганига қарамай, суҳбат ўтказиш учун жой тайёр эмасди. Фақатгина сиёсий докладчининг маҳорати ва тажрибаси туфайли мулоқот дуруст ўтди. Докладчига кўплаб саволлар берилди. Ишчилар бундай учрашувларни ўтказиб туриш жуда фойдали эканлигини таъкидладилар. Шундай бўлса ҳам хўжалик партия ташкилоти ягона сиёсий кунга барвақтроқ тайёргарлик кўрганида коллектив билан мулоқот янада таъсирчан ўтган бўлар эди.

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг ягона сиёсий кунга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тажрибаси ҳам диққатга сазовордир. Шаҳар партия комитети ҳар бир ягона сиёсий кун олдидан партия комитетлари сиёсий докладчилари учун кенгаш ўтказади. Унда ягона сиёсий кун мавзусига алоқадор юқори ташкилотлар раҳбарлари сиёсий докладчиларнинг саволларига батафсил жавоб беради. Бу эса сиёсий докладчиларга меҳнат коллективларида суҳбат ўтказиш пайтида қўл келади.

Масалан, август ойида ўтказилган ягона сиёсий кун олдидан бўлиб ўтган сиёсий докладчиларнинг кенгашида Ўзбекистон ССР прокурори А. В. Бутурлин ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Н. Иброҳимов ўртоқлар иштирок этдилар. Улар ягона сиёсий кун мавзуси — «Шаҳарда намунали тартиб ўрнатиш ҳар бир тошкентликнинг бурчидир» мавзуси асосида сиёсий докладчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Ягона сиёсий кунларни ўтказишнинг дастлабки тажрибалари бу соҳада маълум муаммолар пайдо бўлганлигини ҳам кўрсатмоқда. Айрим ҳолларда район ва шаҳар партия комитетларида белгиланган графикда кўрсатилган ҳамма сиёсий докладчилар ҳам меҳнат коллективлари билан учрашувга келаётганлари йўқ. Бунинг турли сабаблари бор. Бироқ шундай ҳоллар ҳам бўлмоқдаки, республика ёки область ташкилотларининг айрим раҳбарлари меҳнаткашлар билан учрашиш учун келишга ваъда беришади-ю, лекин ўз сўзларининг устидан чиқмайдилар. Мулоқотга тўпланган кишилар эса бу раҳбар ходимларни беҳуда кутадилар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида ягона сиёсий кунларда раҳбар ходимлар ўрнига лекторлар ва сиёсий ахборотчилар суҳбат ўтказишлари, актуал проблемаларни жонли муҳокама этиш ўрнига умумсиёсий текстларни ўқиш ёки айтиб бериш билан чекланилиши ҳоллари учраб тураётганлиги қайд этилган эди. Ўртоқ К. У. Черненко бу масалага тўхталар экан, шундай деган эди: «Нима учун баъзи раҳбарлар бу ишдан бўйин товлашади? Чунки меҳнаткашларнинг кўп саволлари уларни тушунтириб беришни, нотиқлик санъатинигина талаб қилмасдан, балки амалий тадбирлар кўришни ҳам тақозо этади. Бу иш муттасил эртанги кунга қолдирилавергач, бир томондан аудитория қониқмаса, иккинчи томондан маълум «ҳайиқиш», кўпчилик олдида сўзлашдан чўчиш юзага келади.

Одамлар билан юзма-юз, очиқчасига сўзлашишдан қочмаслик керак. Сиёсатимизни тушунтирма билибгина қолмай, оммани ўргатиш, ундан ўрганиш ҳам керак, оммадан учқун ола билиш лозим. Бу ҳар бир раҳбарнинг бурчигина бўлиб қолмай, унинг эҳтиёжига ҳам айланиши лозим. Меҳнаткашлар олдида сиёсий чиқишлар, мунтазам амалий ҳисобот бериб туришлар, раҳбарнинг фазилати, унинг ташкилотчилик қобилияти, одамларни эргаштира билиш истеъдоди синаладиган бамисоли қайроқтошдир. Ленин масалани шу тахлитда қўйган эди. Партиямиз Марказий Комитети уни шу тахлитда қўймоқда».

Айни пайтда ягона сиёсий кунларни ўтказадиган докладчиларни тайёрлаш масаласи ҳам муҳим муаммодир. Маълумки, ҳозирги пайтда меҳнат коллективлари билан бўладиган учрашувларга партия комитетлари ва ревизия комиссияларининг барча аъзолари жалб этилмоқда. Бир томондан сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзолари омма билан жонли мулоқот қилишлари, сиёсий суҳбатлар ўтказишлари, уларнинг кайфиятлари ўрганишлари жуда яхши. Аммо ҳозир сиёсий докладчиликка жалб қилинаётганларнинг бир қисми ўз вазифалари ва билим савияларига кўра кенг омма билан қизиқарли суҳбатлар ўтказиш, уларнинг ҳамма саволларига батафсил жавоб беришда қийналиб қолмоқдалар. Афтидан дастлабки пайтларда улар бундай учрашувларда партия комитетларидаги тажрибали ўртоқлари билан иштирок этсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Улар омма билан мулоқот олиб боришда муайян тажриба тўплаганларидан сўнг мустақил равишда суҳбат ўтказишлари мумкин бўларди.

Ягона сиёсий кун қатнашчиларидан тушаётган саволларни умумлаштириш, улар бўйича конкрет чоралар кўриш масаласи ҳам муҳимдир. Қатор партия ташкилотларида меҳнаткашларнинг саволларини олдиндан тўплаш тажрибаси мавжуддир. Бунда сиёсий докладчи суҳбат пайтида бу саволларга қандай жавоб беришга олдиндан тайёргарлик кўра олади.

Тушган саволларнинг ҳаммасини бараварига тезда ҳал қилиб бўлмаслиги табиийдир. Шунинг учун партия ташкилотлари улар бўйича қандай чоралар кўрилаётганлигини назорат қилиб бормоқдалар. Айни пайтда меҳнаткашлар таклиф ва мулоҳазаларини амалга оширишни назорат қилиб боришда сиёсий докладчиларнинг ўзлари ҳам иштирок этишлари керак, деган фикрлар билдирилятпи.

Шунингдек, ягона сиёсий кун ўтказиш учун муайян бир кунни белгилаб қўйиш зарурлиги тўғрисида мулоҳазалар билдирилмоқда. Шундай қилинганда партия комитетлари бу куни бошқа тадбирларни ўтказишни режаламаган бўлар эдилар. Шунингдек, бу ҳолда сиёсий докладчилар ҳам меҳнат коллективлари билан бўладиган учрашувларга олдиндан пухтароқ тайёргарлик кўрар эдилар.

Ягона сиёсий кун меҳнаткашлар билан жонли ва таъсирчан мулоқот ўтказишнинг энг самарали усулларидан бирига айланди. Бу тадбирни ўтказишни янада такомиллаштириш бутун идеологик ишимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Н. ЮСУПОВ.

ЎРИНБОСАРЛАР ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касбининг усталари кўпчиликни ташкил этади. Улар ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилиш билан бир қаторда илғор тажрибаларини ёшларга ўргатишга, уларни келгусида моҳир тикувчилар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу сабабли ҳам коллективда эришилаётган ютуқлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳар йили ўнлаб ишчилар илғор тикувчилар сафига келиб қўшилишяпти.

Коллектив мураббийлари томонидан эталиққа олинган 127-ҳунар-техника билим юрти бирлашманинг ёш кадрлар ўчоғига айланган. Ўқувчилар бу билим масканида назарий билимларини бойитиш билан бирлашманинг илғор ишчилари томонидан ўтказилаётган амалий машғулотларда қатнашиб, иш жараёнларини чуқур ўрганмоқдалар.

Бу йил ҳам ўқув масканини тамомлаб бирлашма ишчилари сафига келиб қўшилган 340 нафар ёшлар мураббийларга бириктириб қўйилди. Бу ёшларга иккита Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари кавалери, «СССР Енгил саноат аълочиси» Носир ака Умархўжаев, Раъно Тўйчиева, Мавжуда Абдуллаева, Озода Қўзибоева, Флора Полтаева, Палина Новосельцева, Галина Закритная сингари моҳир чеварлар устозлик қилишмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

Ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланмоқда

Трансформатор заводи социалистик Чирчиқ шаҳрининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Унинг кўпминг кишилик ишчи-хизматчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар. Бу мусобақа давомида илғор тажриба ва иш усулларини жорий қилиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация даражасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот шароитларида ишлаш коллективдан ана шу йўналишда муттасил изланиш олиб боришни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилятпи. Айниқса, ишчи-хизматчиларнинг малакасини оширишга зўр берилмоқда. Шу мақсадда илғор тажрибаларни ўрганиш курслари ташкил этилди. Уларда машғулотларни ўз касби бўйича корхонанинг энг моҳир ишчиси ҳисобланган трансформаторсозлар ўтказмоқдалар. Улар ўз иш тажрибаларини касбдошлари билан ўртоқлашмоқдалар. Шунингдек, курсларда тармоқ корхоналарида пайдо бўлган янгиликлар ва илғор ишлаб чиқариш усуллари ҳам ўрганилмоқда.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш кўплаб ташкилий-техникавий тадбирларнинг кўрилиши корхона коллективи фаолиятига ижобий таъсир қилмоқда. Шу сабабли ҳам улар ишининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари ой сайин ортиб бораяпти. Трансформаторсозлар юбилей йилининг ўтган ойларини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунладилар. Маҳсулот реализация қилиш давлат плани ортиғи билан адо этилди. Шартнома асосидаги барча буюртмалар ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб берилди. Ишлаб чиқариш ҳажми салкам тўрт процент, маҳсулот сифати эса уч процентдан знёдроқ ошди.

Коллектив меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш ҳақида белгилаган марраларини шараф билан эгалламоқда. Эл-юрт олдида берилган бу ваъдани ҳатто ортиғи билан адо этишяпти. Масалан, шу йилнинг ўтган ойларида ҳар бир ишловчи ҳисобига меҳнат унумдорлигининг ортиши 5,9 процентни ташкил этди. Бу мажбуриятда назарда тутилганидан анча кўпдир. Шунингдек, маҳсулот таннархини камайтиришда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Корхона бўйича таннархнинг 0,5 процент камайишига эришилди. Бу билан ўнларча минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди.

Трансформаторсозлар шу кунларда ҳам зўр ғайратшижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, хўжалик йилини янада яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун фидокорона ишламоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

«Оржоникидзегаз» идораси коллективи Оржоникидзе районидаги аҳолисига хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқда. Ушбу суратда коллектив меҳнат ютуқларига мунозиб ҳисса қўшаётган авария автомашинаси ҳайдовчиси Анвар Юсупов ва слесарь И. Тиллабоевларни кўриб турибсиз.

В. Портнов фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА СИЁСИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Партия ташкилотлари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш, жанговарлигини ошириш чораларини кўрмоқдалар. Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети жамоат жойларида сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда муайян тажриба тўпланган. Район партия комитетининг секретари Х. Турсунованинг яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Жамоат жойларида сиёсий-тарбиявий ишлар» рисоласида ана шу тажриба ҳақида гап боради.

Янгича совет анъаналарини кенг пропаганда қилиш ва турмушга сингдириш район партия ташкилотларининг жамоат жойларида олиб бораётган оммавий-сиёсий ишларидан бири бўлмоқда. Районда кўп йиллардан бери янги урф-одатлар ва маросимларни пропаганда қилиш ҳамда меҳнаткашлар турмушига сингдириш совети иш олиб борятпти. Бундай советлар корхона ва ташкилотларда, муассаса ва ўқув юртларида, аҳоли турар-жойларида ҳам тузилган. Улар совет турмуш тарзи тантаناсини таъминлаш, коммунистик ахлоқ норма ва қоидаларини қарор топтириш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Маҳаллаларда давлатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли саналар, умумхалқ байрамлари кенг нишонланади, ишлаб чиқариш пешқадамлари, меҳнат ветеранлари, хотин-қизларни шарафлашга бағишланган тантанали маросимлар ўтказилади. Рисолада уларни шодиёна, унутилмас қилиб ўтказиш соҳасида тўпланган тажрибалар баён этиб берилган.

Муаллиф район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ҳузурида ташкил этилган аҳоли турар-жойларида оммавий-сиёсий ишлар бўйича советлар фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Улар маҳаллаларда доимий иш олиб борувчи лекторийлар ташкил этиш, сиёсий, илмий-оммабоп, халқаро мавзуларда суҳбатлар ўтказиш каби идеологик ишларнинг ташкилотчилари бўлмоқдалар.

Кўп нусхада нашр этилган бу рисола партия ва совет органлари ходимлари, жамоат жойларида иш олиб борувчи тарғиботчи ва ташвиқотчиларга мўлжалланган.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«СУҲБАТ ЎТКАЗИЛМАДИ»

Газетанинг 18 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали хабарда Наримонов шаҳридаги «Юбилейний» йирик панелли уйсозлик заводида ягона сиёсий кун ўтказилмай қолганлиги танқид қилинган эди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари У. Муслимовдан жавоб олинди. Унда 18 августда ўтказилган ягона сиёсий кун натижалари район партия комитетида муҳокама қилинганлиги айтилади. Бу муҳокамада райондаги саноат корхоналари, транспорт, алоқа ташкилотлари ва хўжаликларнинг партия ташкилотлари секретарлари ҳам иштирок этишган. «Суҳбат ўтказилмади» сарлавҳали мақолада жуда тўғри масала кўтарилганлиги, камчиликка йўл қўйган ўртоқлар ҳақли танқид қилинганлиги эътироф этилди.

Йиғилиш қарори билан завод директори Р. Р. Эргашев ва партия ташкилотининг секретари Т. Н. Речич ўртоқларнинг масъулиятсизликка йўл қўйганликлари алоҳида таъкидлаб ўтилди ва улар жиддий огоҳлантирилдилар.

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА КЎРА

ҲАЁТ БАҒИШЛАЙДИ

Ҳурматли редакция! Беморга қайси вақтда қон қуйилади? Унинг қанақа усуллари мавжуд? Ҳамма ҳам донор бўлаверадими? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.

Заҳро МИРЗАҲАМДАМОВА,
Тошкент райони.

Қон қуйиш бемор кўп қон йўқотганда ёки танасидаги қоннинг миқдори камайиб кетганда амалга оширилади. Қон қуйиш инсон ҳаётини сақлаб қолишда асосий омиллардан ҳисобланади. Қон асосан икки усулда қуйилади. Донордан тўппа-тўғри, махсус аппаратлар воситасида беморга юбориш мумкин. Аксинча олдин қонни шиша флаконларга йиғиб, кейин махсус найчалар орқали танага қуйиш ҳам тавсия этилади. Қон қуйишнинг энг осон усули вена томири орқали юборишдан иборат. Баъзи вақтларда, масалан, бемор танасининг кўп қисми куйган бўлса ёки вена томирлари яхши кўринмаса, қон суяк кўмиги орқали юборилади. Бу усул кўпинча болаларда ишлатилади. Бундан ташқари бемор кўп қон йўқотганда ва ҳаддан ташқари дармонсизланганда қон артерия томирлари орқали юборилади. Хуллас, қон қуйиш бемор ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган асосий муолажалардан биридир.

Қон қуйишда қон группалари ҳисобга олинади. Шу билан биргаликда бу иш резус-фактор деган (ирсий йўл билан ўтадиган) моддининг бор-йўқлигига қараб ҳам бажарилади. Юқоридаги келтирилган маълумотлардан қонни фақат қон группалари ва резус фактори тўғри келган ҳолдагина қуйиш керак. Акс ҳолда қон қуйигандан кейин ҳархил асоратлар рўй бериши мумкин.

Беморларга қуйишга мўлжалланган қон медицина даволаш муассасаларида доимо етарли миқдорда бўлиши керак. Шунинг учун унга узоқ вақт сақланиш имконини берадиган махсус суюқликлар, яъни консервантлар қўшилади. Ҳозир медицинада қонни бир неча кунларгача ивитмасдан сақлаш мумкинлиги исботланган. Лекин тажриба 7—10 кун давомида консервация қилинган қонни қуйиш афзаллигини кўрсатди.

Организмда қон қаерда ҳосил бўлади, деган савол туғилиши табиий. Киши танасида қон асосан суяк кўмиги, талоқ, лимфа безлари ҳамда жигарда ишланади. Буларнинг орасида суяк кўмиги асосий қон ишловчи аъзо ҳисобланади. Жигар эса фақат эмбрионнинг она қорнида ўсиши даврида ва янги туғилган чақалоқларда қон ишловчи аъзо вазифасини бажаради.

Шуни билиб қўйган яхшики, узоқ йиллар давомида беморларни даволашда қондан фойдаланилиб келинмоқда. Қон бериш донорларнинг меҳнат қобилиятини пасайтирмайди, саломатлигига путур етказмайди. Аксинча, донорлар қон бергандан кейин ўзларини яхши ҳис қиладилар, уларнинг меҳнат фаолияти ошади. Донорлар, албатта, врач текширувидан ўтадилар. Фақат соғломларгагина қон топшириш рухсат этилади. Ёши 18 дан 60 ёшгача бўлган соғлом хотин-қизлар ва эркаклар донор бўла оладилар.

Мамлакатимизда қон топширувчиларнинг 80 процентдан ошиғи бадалсиз донорлар, яъни йилига 1—2 марта топширган қони эвазига ҳақ олмайдиган кишилардир. Донорлик ана шулар ҳисобига кўпайиб бормоқда. Кадр донорлар эса узлуксиз равишда 400—500 миллилитр қон топшириб, бунинг учун ҳақ оладилар. Нодир қон группалари донорлари навбатчи донорлар ҳам бўладилар. Улар қон хизмати муассасалари ҳисобида туриб, керак пайтда улар қонидан фойдаланилади.

Даволаш муассаларини доимо қон билан таъминлаб туриш мақсадида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг гемотология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти ҳузурида бундан 13 йил аввал «Криобиология» лабораторияси (қон банки) ташкил этилди. Бу лабораторияда қон ва илик компонентлари махсус контейнерларда музлатилган ҳолда сақланмоқда. Узоқ йиллар давомида бу компонентларнинг сифати ўзгармайди ва унинг шифобахшлик хусусиятлари ўзидай туради. Керак бўлганда эса контейнерлардаги «тирик» қон ва илик компонентлари тезда эритилиб, ишлатилади.

Қон плазмасидан ҳозирги вақтда альбумин, протеин, фибриноген, гаммоглобулин каби 20 дан ортиқ хил дорилар олинмоқда. Бу препаратлар бемор қонида оқсил моддаларининг камайиб кетиши билан боғлиқ касалликларни, хусусан, жигар церрози, тана қуйиши ва бошқа катта жароҳатларни даволашда қўлланилади. Плазма компонентларидан бири — «антирезус» гаммоглобулин чақалоқлардаги туғма сариқ касаллигининг олдини олиш ва даволашда жуда қўл келади.

Ҳозирги пайтда институтимизда қон қуйиш станциясидан ташқари яна 4 та герматологик ва энг оғир касалликлардан бири-оққонни даволайдиган «лейкозологик гематология» бўлими ишлаб турибди.

1981 йилда қўлга киритилган бу борадаги натижалар СССР Министрлар Совети фан ва техника Давлат комитети ҳамда ВЦСПС томонидан муносиб тақдирланди. 1982 йили институт поликлиникасида медицина генетикаси кабинети, болалардаги қон касалликларини даволайдиган 180 ўринли шифохона ташкил этилди. Кейинги йиллар давомида қон ҳасталикларини хирургия йўли билан даволашнинг янги усуллари борасида ҳам анчагина тадқиқотлар яратилди.

Ҳозирда институтимиз олимлари кам қонли, лейкоз ва бошқа қон касалликларини чуқурроқ ўрганиш ва уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш билан шуғулланишмоқда. Айниқса, болалар ва оналар саломатлигини яхшилашга катта аҳамият бериляпти.

Ҳ. ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ВЕТЕРАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

БИР УМРГА ТАНЛАНГАН КАСБ

ИШНИНГ ёмон яхшиси бўлмайди. Турли касбларни мукаммал эгаллаб, ўз коллективида ҳурмат қозонган кишиларимиз кўп. Улар бу фикрни яна бир бор исботлайдилар. Лекин касбнинг ёмон ёки яхши эгаси бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда касб танлашда лоқайдликка йўл қўйилиши, кўнгил чоғ маган ишга киришилиши биргина ишчи учун эмас, балки бутун коллектив учун кўп ташвиш келтиради. Бу аввало ишчи ўз ишидан қаноат ҳосил қилмаслиги натижасида келиб чиқади. Лекин ёшлигиданоқ бир касбни маҳкам тутиб, бутун умрини шу ишга бахшида қиладиганлар ҳам оз эмас. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Алексей Иванович Карнаухов ҳам ўз касбига содиқ қолган ана шундай ишчилардан.

У урушдан кейин ҳунар билим юртини битиргач, тўғри «Узбекхиммаш»га келди. Шундан бери иш жойи ўзгармади. Бир корхонада, бир коллективда меҳнат қилиб келаяпти. Фақатгина унинг тажрибаси ўзгарди холос. Эндиликда у токарларнинг сардори бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда Карнауховнинг ишини ҳамма мақтаб гапиради. Кўп ҳолда муайян воқеани эслаб, ҳикоя қилишади.

Янги аппаратларни ишга тушириш ўзлаштирилар эди. Ана шу аппаратда қўлланиладиган деталларнинг бири мураккаб конструкцияда бўлганлиги сабабли токарлик станогида унга ишлов бериб бўлмасди. Ишлов берилган тақдирда ҳам кўпгина хомашёлар бракка чиқиб кетарди. Лекин нима бўлмасин бу қисмни тайёрлашга киришишди.

Иш суръати кескин пасайиб кетди. Меҳнат унумдорлиги кишиларни қониқтирмай қолди. Сифат ҳақида эса гапирмаса ҳам бўларди. Ўшанда Карнаухов томонидан киритилган янгилик ҳанўзгача мутахассисларни ҳайратга солиб келади. У ўзи токарлик станогига қўшимча узел тариқасида ўрнатиладиган «айланувчан марказ» ясади...

Меҳнат унумдорлиги орта бошлади. Уларнинг сифати ҳам яхшиланди. Алексей Иванович шундай бўлишини кутганди. Лекин бу таклифнинг оммавий тарзда ишлаб чиқаришга жорий этишга шошилмади. Аввал ўз станогига ўрнатиб ишлаб кўрди. Ана шунда янгилик маромига етказилмаганлиги сезилиб қолди. Карнаухов ўз таклифини яна такомиллаштирди. Бунга анча кўп вақт кетар, план бажарилмас, натижада ўзи бошқаларга нисбатан камроқ иш ҳақи оларди. Лекин абжир токарь бир ишни бошлаб ярим йўлда қўл силтаб, ташлаб кетадиган аноийлардан эмасди. Шу боисдан ҳам у изланишни давом эттирди. Ниҳоят янгиликка нуқта қўйилди: иш суръати икки баравар ошди ва бракка барҳам берилди.

Ниҳоят Алексей Иванович ўз дўстлари иштирокида станокни юргизди: янги конфигурациядаги тишлар металлни сайқаллай бошлади. Шу дақиқаларда Карнаухов бошқаларга нисбатан кўп ҳаяжонланди. Бўлмасамчи, ахир бир неча ҳафта давомида тайёрланган янгилик энг жиддий имтиҳондан ўтаяпти. Ҳаяжонланса-да, буни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Бирин-кетин янги деталлар конвейердан туша бошлади. Янгилик ўзини оқлади. Шундан сўнг «айланувчан марказ» ҳар бир токарлик станогига ўрнатилди.

Карнауховнинг меҳнат биографияси давомида бундай воқеалар неча марта бўлганлигини аниқ айтишқийин. Унинг таклифига кўра ўнлаб янги маҳсулотлар янги технология асосида ишлаб чиқарила бошланди. Бир неча рационализаторлик таклифлари ҳам унинг номи билан юритилади. Уларнинг айримлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳам ўз аксини топган. Алексей Иванович Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси бош комитетининг бронза медалига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Ана шу воқеаларни бирма-бир эслаганда абжир токардан кўплаб янгиликларни, илғор иш усулларини ўрганиш мумкинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ветерандан билим олган, тажриба ўрганган ёшлар шу боисдан ҳам тез орада илғорлар сафига ўтмоқдалар.

Бундан бир неча йил аввал 2-механика цехига бир группа ўсмирлар келишди. Уларнинг кўпчилиги мактаб парталаридан туриб келган ўсмирлар эди. Албатта ўқувчилар мактабдаёқ муайян касбга йўналтирилиб ўқитилганлиги сабабли техникадан бироз хабардор бўлсалар-да, станок ёнида мустақил ишлашга келганда бироз ўзларини йўқотиб қўярдилар. Ҳамма иш ўта мушкул туюлаверарди. Ана шундай дақиқаларда уларнинг айримлари ишдан бўшаш ҳақида аризалар ҳам ёзиб қўйишди. Лекин Алексей Иванович ишга аралашгач, уларнинг иштиёқи ҳам ўзгариб қолди...

Ўша ёшларнинг кўпчилигини бугунги кунда «Узбекхиммаш» цехларида учратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири А. Карнауховдан миннатдор. Ўзлари учун қийин бўлган дақиқаларда бундай дилкаш устозга учраганларидан ўзларида йўқ хурсанд бўлиб қўядилар.

Айни пайтда Алексей Карнаухов энг йирик ишлаб чиқариш бригадаларидан бирига етакчилик қилмоқда. Бригада комплекс бўлиб, унда токар ва фрезерчилар, чархловчи ва сайқалловчилар тўпланишган. Станоксозлар кучли босим остида ишлайдиган аппаратларда қўлланиладиган турли мураккаб деталларни механик тарзда тайёрлаш билан банд бўладилар. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўта малакали мутахассислар бўлиши лозим. Алексей Карнаухов эса ана шундай тажрибага эга. Бундан ташқари бригадага Александр Гизатулин, Козим Суюнов сингари қўли гул усталарни тўплади. Эндиликда корхонага янги келган ишчилар ҳам айнан шу бригадага киришга ҳаракат қилишади. Буни албатта илғорлар соясида юриш осон деган мулоҳаза билан шундай қилишади деб тушуниш керак эмас. Улар тажрибали ишчилар бор жойда маҳорат чўққиларини тезроқ эгаллаш мумкин, деган мулоҳаза билан шу бригадага интиладилар. Коллектив ягона наряд асосида иш юритиши эса ёшларни бу орзулари тезроқ амалга ошишини таъминлайди.

Алексей Карнаухов корхонада меҳнат қилаётганига ҳам салкам қирқ йил тўлди. Лекин у ҳамон ишчан, ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Кечагина бригадага келиб қўшилган ёшлар тажриба камлик қилганда ғайрат билан, ёшлик шижоати билан кўпчиликни ҳайратга солишга интилишади. Устоз эса шогирдларига ана шу ўринда ҳам ибрат бўлаётганлиги уларни янада қўш суръат билан ишлашга даъват этади.

О. ЛЕВАК.

Келес яйловларида

КАЛИНИН районидаги Охунбобоев номли совхоз чўпонлари йилдан-йилга қўйлар туёғини кўпайтирмоқдалар. Улар ўтган йилги қишлови муваффақиятли ўтказганликлари учун Бутуниттифоқ мусобақасғолиби деб топилдилар. Суратларда: (юқорида чапдан) совхознинг тажрибали чўпони Мушқол Ёқубов. У 40 йилдан буён яйлов кезиб сурув ҳайдайди; 3-бўлим бош чўпони Тошимбой Таменов ҳам бу йил салмоқли ютуқларга эришмоқда; 1-бўлим бошқарувчиси Аширали Тулбосиев (пастда ўнгда) чўпон Абил Олихабов билан суҳбатлашмоқда.

О. Ҳошимов фотолари.

ЖАҲОНБУВИНИНГ БАХТИ БИР ЖАҲОН

ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРНИ варақлаб ўтириб, кўнгилни нохуш қиладиган хабарларга кўзим тушиб қолди. Унда капитал ҳукмрон бўлган тузум ҳаёти, у ерда қаровсизлар уйининг кўпайиб бораётганлиги, бироқ шунга қарамай, уйсиз, кимсасиз қолаётган хоксор кексаларга жой етишмаётганлиги ҳақида сўз юритилади.

Дарҳақиқат, капиталистик жамиятнинг турмуш тарзи шундай. Бирор кексанинг оиласига ёки жамиятга фойдаси тегмай қолдими, тамом, энди у ҳеч кимга керак эмас. Чиркин ҳаёт оқими уни хоҳлаганча эрмак қилиб, истаган тарафига оқизиб кетаверади.

Шу хабарни ўқиб туриб, яқиндагина оддий бир колхозчи хонадонида бўлиб ўтган юбилей кечасини эсладим. Ўша кеча ҳар қачонгидан ҳам гавжум, файзли бўлган бу хонадонда фарзандлар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар «Озод» колхозининг собиқ аъзоси, ҳозир қарилик гаштини сураётган Жаҳонбуви ая Болтабоеванинг 60 ёшга тўлганлигини ҳамда шу колхоз аъзоси Баркашбой Болтабоев билан турмуш қурганлигининг 40 йиллигини тантана билан нишонладилар.

Кеча қатнашчилари Жаҳонбуви аянинг қишлоқда кечган ҳаёти, колхоз далаларидаги ҳалол меҳнати ҳақида ҳавас билан сўзлашди. Ўзларининг болалик йилларини эслаб, оналар чеккан машаққатлар тўғрисида тўлқинланиб гапиришди.

...Жаҳонбуви Болтабоева «Озод» колхози пахта далаларида 40 йил баракали меҳнат қилди. Колхоз унинг кўз ўнгида ҳар томонлама кенгайиб, ривожланиб борди. Илгариги қолоқ бир хўжаликдан экономикаси юксалган колхозга айланди.

— Ҳозирги бахтиёр кунларга етгунча озмунча заҳмат чекмаганмиз, — дейди Жаҳонбуви ая, — илгаридаги даладаги ишларнинг ҳамасини эрта тонгдан кеч қоронғусигача қўл кучимиз билан қилардик. Ҳосилдорлик 10—12 центнердан ошмасди. Даромадимиз ҳам, рўзғоримиз ҳам, умуман ҳаётимиз ҳам шунга яраша эди. Мана энди колхоз ҳам, колхозчилар ҳам бой-бадавлат. Дала ишлари енгил. Ҳаммасини машина-механизмлар бажаряпти.

Қишлоқ аҳли бу хонадоннинг яна бир ўзига хос фазилатини ҳавас билан тилга олади. Оилада камол топган 7 фарзанднинг ҳаммаси одоб-аҳлоқда, меҳнатда намуна. Тўнғич фарзанд Саъдулла — заводда ишчи. Ҳайрулла, Файзулла ва Санобарлар — олий маълумотли педагог. Зарбулла — «Озод» колхози ревизия комиссиясининг раиси. Ғайрат — хўжалик гаражининг мудири. Келинлар ҳам хонадоннинг обрў-эътиборига мос бўлиб тушганлар. Омина — Тошкент Давлат политехника институтида илмий ходим. Ҳанифа ва Нуринисолар эса ўқитувчи касбини эгаллашган. Муҳаббат медицина ҳамшираси бўлса, Роҳила — болалар боғчасида тарбиячи. Куёв Илҳом эса «Ленинобод» колхози правлениеси раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Жаҳонбуви ая пенсияга чиқдим, деб колхоз юмушларидан бутунлай воз кечгани йўқ. Ҳар йили ипак қурти парвариш қилиб, пландагидан ошириб, сифатли пилла етиштириб бераётир. Унинг бу ҳиммати колхоз правлениеси ва район партия комитети томонидан муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, у ҳар йили сифатли пилла топшираётганлиги учун «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотланган.

Жаҳонбуви ва Баркашбой Болтабоевлар хонадони баҳрам кунлари худди туйхонани эслатади. Ҳовли фарзандлар, келинлар, набиралар билан тўлади. Уларнинг ҳаммаси ота-она атрофида парвона бўлиб, кўнгил олишга ҳаракат қилишади.

...Шулар ҳақида ўйлар эканман, капитал дунесидаги юзлаб, минглаб оошпанасиз, қаровчисиз кексаларнинг аянчли аҳволи кўз олдимга келади. Улар ҳеч кимга керак бўлмасалар, биздаги Жаҳонбуви сингари захматкаш кексалар эса бир умр азиз ва ардоқлилар. Уларнинг ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик хислатлари ёшларимиз учун бебаҳо тарбия мактаби бўлиб хизмат қилаверади.

М. МИРКАМОЛОВА,
Оққўрғон райони.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

ПОЙТАХТ КЎРГАЗМАСИГА

Ёшлар ўртасида техника ижодкорлигини кенг йўлга қўйишда Тошкент автомобиль йўллари ва транспорти институти ҳузуридаги студентларнинг конструкторлик бюроси яхши ишларни амалга оширмоқда.

Студентларнинг чинакам илмий ва техника ижодкорлиги марказига айланган бу бюро келгуси йили ўзининг ўн йиллигини нишонлайди. Ана шу санани муносиб кутиб олиш мақсадида қатор тадбирлар белгиланди. Истеъдодли талабаларнинг ижод намуналари асосида тематик кўргазмани очиш ҳам кўзда тутилди.

Ҳозир бюрога 400 дан ортиқ йигит-қиз аъзо. Институт автомобилларни техник эксплуатацияси кафедрасининг бевосита амалий ёрдами билан студентлар конструкторлик бюроси корхоналар билан алоқа боғлади. Бунда олий ўқув юрти базасида фаолият кўрсатаётган студентлар лабораторияларининг ҳам кўмаги катта бўлаяпти.

Бюрода тайёрланган «КамАЗ» аппаратураларининг ёнилғи стенди энг яхши ижод намунаси деб топилди. Бу янгиликдан ўқув қўлланмаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Стенд намойиш этиш учун Москвадаги СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига тақдим қилинди.

А. АЛИЕВ.

БУСТОНЛИҚ районидаги «Хўжакент» совхозининг Карима Эрназарова бошчилик қилаётган боғдорчилик бригадаси соҳибкорлари бу йил мўл ҳосил етиштиришди. Айни кунларда бригада боғларида мева йиғим-терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Юбилей йилида бу аҳил коллектив аъзолари эл дастурхонига 400 тонна олма етказиб беришга аҳд қилишган.

Суратда: олма терими пайти.

В. Портнов фотоси.

ЕР ЭЛ АХБОРОТИ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ВЬЕНТЬЯН**

Лаос касаба союз федерацияси Таиланд қуролли кучларининг бўлинмалари Лаос территориясидаги учта аҳоли пунктини қонунга хилоф равишда босиб олганлигини қоралади. Бангкокнинг авантюрачилик хуружлари, дейилади федерациянинг баёнотида, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга зарар етказиб, Жануби-Шарқий Осиёда хатарли кескинликни вужудга келтиради. Таиланд ҳукмрон доираларининг калтабин сиёсати мазкур регионда тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солади. Таиланд томони империализм ва гегемонизм кучларининг тазйиқи остида шундай қилаётганлиги мутлақо равшандир.

● **ЖЕНЕВА**

Бу ерда тинчликсевар кучлар ўртасидаги алоқалар масалалари билан шуғулланувчи халқаро анжуманнинг ташаббуси билан «БМТ ва тинчликсевар кучлар: ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўллари» мавзуидаги учрашув очилди. Учрашувда турли сиёсий партиялар, касаба союз бирлашмаларидан юздан ортиқ вакил, урушга қарши ҳаракат аъзолари, БМТ ходимлари, шунингдек, тинчликсевар кучлар билан алоқа Совет комитетининг делегацияси иштирок этмоқда. Учрашув қатнашчилари ядровий урушнинг олдини олиш ва қуролсизланиш, халқаро можароларни тинч йўл билан бартараф этиш ҳамда инсоният олдида турган социал ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадида ялпи хавфсизлик манфаатларини кўзлаб БМТ билан тинчликсевар кучлар ўртасидаги ҳамкорлик проблемаларини муҳокама қилдилар.

● **ДАМАШҚ**

Сурия Араб Республикаси халқ кенгашининг вакили Маҳмуд Аз-Зуаби Сурия Ливан халқининг адолатли ишини муттасил қўллаб-қувватлай беради, деди. САР, деб таъкидлади у, Ливан депутатлар палатаси раисининг ўринбосари Мунир Абу Фадел билан бўлиб ўтган учрашувда, Исроил қўшинлари босиб олган территорияни озод қилиш ва Ливаннинг давлат суверенитетини тўла тиклаш мақсадида мамлакат жанубидаги Ливан миллий қаршилик ҳаракатига ҳар томонлама мадад бериб келди ва бераверади.

● **КАНБЕРРА**

Австралия демократлари партиясининг раҳбари сенатор Дон Чипп ичида ядро қуроли ёки атом двигатель қурилмалари бўлган кемаларнинг Австралия территориал сувларига киришини тақиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини сенатга тақдим этди. Қонун лойиҳасида, шунингдек, ядро қуроли ортилган самолётларнинг Австралия ҳаво чегарасидан фойдаланишини ҳам тақиқлаш кўзда тутилади.

Д. Чипп қонун лойиҳасини сенат муҳокамасига тақдим этиб шундай деди: агар Австралия ядровий қуролсизланиш тўғрисидаги масалага жиддий ёндошса ва бунга эришишда қатнашиш ниятида бўлса, у ядро қуролига мустаҳкам тўсиқ қўйиши лозим.

(ТАСС, 11 сентябрь).

КАТТА ЮТУҚЛАР

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ Республикаси экономика соҳасида катта ютуқларга эришди. Аҳолининг қунт билан қилган меҳнати, шунингдек Совет Иттифоқи, Вьетнам, бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли мамлакат саноати билан қишлоқ хўжалиги жадал қайта тикланди ва муваффақиятли ривожланмоқда, деди Кампучия халқ революцион партияси марказий комитети сиёсий бюросининг аъзоси, КХР министрлар кенгашининг раиси Чан Си. У раҳбар кадр ходимларнинг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида сўзга чиқиб, партия Марказий Комитети пленуми қарорларини бажариш юзасидан КХРП марказий комитети қабул қилган самарали тадбирлар мамлакатнинг иқтисодий аҳволини янада мустаҳкамлашга ва меҳнаткашларнинг моддий шароитини яхшилашга кўмаклашади, деди.

СТОКГОЛЬМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СТОКГОЛЬМ, 11 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Европада ишонч, хавфсизлик ва қуролсизланишни мустаҳкамлаш тадбирларига бағишланган конференция ўз ишини қайта бошлади.

Бу муҳим халқаро анжуман Умумевропа жараёни доирасида ўтказилмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб Хельсинкида ўтказилган кенгаш бу жараёнга асос солган эди. Анжуман давлатлар ва халқлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлини очиб беришга кўмаклашиши лозим.

Конференцияда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар конструктив ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Улар сиёсат халқаро ҳуқуққа оид кенг кўламдаги тадбирлар бутун бир комплексини таклиф этмоқдалар. Бундай тадбирларнинг ҳарбий-техникавий тадбирлар билан биргаликда қабул қилиниши конференция муваффақиятли ўтишига, унинг якунлари Европа ва халқаро хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилишига имкон яратган бўлур эди.

Жафокаш Ольстерда рўй берган қонли воқеалар Буюк Британияда қаҳр-ғазаб билан қарши олинди. Полициянинг тинч намойишчиларни пластик ўқлар билан бетўхтов ўққа тутилишини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди, деб ёзади «Гардиан» газетаси. Газета маълумотларига кўра ҳатто 4 ёшлик бола ҳам полициячилар қурбони бўлди. «Гардиан» намойиш ўтказилган жой ҳақиқий жанг майдонини эслатарди, деб таъкидлайди. Суратда: Бельфастдаги қонли фожиа пайтида.

АП—ТАСС телефотоси.

ЖАВОБГАРЛИКДАН ҚОЧИБ ҚУТИЛА ОЛМАЙДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Никарагуанинг Санта-Клара шаҳрига АҚШ марказий разведка бошқармасига ёлланган америкалик гражданларнинг ҳаводан қароқчиларча ҳужум қилганлиги учун ҳеч қандай бўҳтон АҚШ ҳукуматига жавобгарликдан қочиб қутилишга ёрдам бераолмайди. Ана шу ҳужум вақтида тинч аҳоли, жумладан болалар ҳалок бўлди. Никарагуанинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ташкилот қарорғоҳида тарқатган баёнотида ана шу ҳақда гапирилади. Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси ва Вашингтоннинг бошқа юқори мартабали вакиллари, деб уқтирилади ҳужжатда жаҳон жамоатчилигини чалғитишга уриниб, ҳужум вақтида «кубалик маслаҳатчилар» ҳалок бўлди, деган ёлғон-яшиқ ўйдирмаларни тарқатмоқдалар. Бундай бўҳтон ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди ва АҚШ барча халқаро қонун ва нормаларни бузиб, нечик мамлакатга қарши агрессия қилаётганлигини ниқоблашга қаратилган.

ЎТКИР ПРОБЛЕМАЛАРГА ДУЧ КЕЛИБ

ПАРИЖ Страсбургда (Қуйи Рейн департаменти) Европа парламентининг сессияси очилди. Сессия кун тартибига Европа иқтисодий ҳамжамиятининг 1984 йилги қўшимча бюджетини муҳокама қилиш, Испания ва Португалиянинг «умумий бозор»га аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги музокаларнинг аҳволини таҳлил этиш масалалари қўйилган.

Маҳаллий кузатувчиларнинг уқтириб ўтишича, ҳатто ҳамжамият хазинасидаги «молиявий камоатни қоплаш» учун мўлжалланган қўшимча бюджетнинг қабул қилиниши ҳам «Умумий бозор»га аъзо бўлган мамлакатлар аҳволини яхшилаши мушкул. Испания ва Португалия ҳисобига ҳамжамият составини кенгайтириш проблемаси юзасидан ҳам қизғин мунозаралар олиб борилмоқда. Бу ерда уқтириб ўтишларича, мазкур мамлакатлардан олинадиган арзон қишлоқ хўжалик маҳсулоти «Умумий бозор» мамлакатларидаги миллион-миллион деҳқон хўжаликларининг аҳволига жиддий путур етказиб, деҳқонларнинг кўплаб хонавайрон бўлишига сабаб бўлади.

(ТАСС, 11 сентябрь).

КХДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН. КХДР ҳукумати Жанубий Корея режимининг бошлиғи Чон Ду Хваннинг Японияга қилган визитини қатъиян қоралайди ва Токио билан Сеул ўртасидаги тил бириктирув Яқин Шаркда тинчликка ва Кореяни тинч йўл билан бирлаштириш ишига жиддий хавф солаётганлигини билдиради. КХДР ташқи ишлар министрлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида ана шу ҳақда гапирилади. Чон Ду Хваннинг Токиога сафари Вашингтоннинг мазкур регондаги манфаатларига жавоб бериб, АҚШ, Япония ва Жанубий Корея агрессив ҳарбий-сиёсий гуруҳини тузишга қаратилган. КХДР ташқи ишлар министрлиги АҚШ ўз қўшинларини Корея ярим ороли жанубидан олиб чиқиб кетиши ва корейс халқининг ички ишларига аралашувни тўхтатиш зарурлигини билдирди.

(ТАСС).

ИСТИҚБОЛСИЗ РЕЖИМ

ДОРУС-САЛОМ. Апартеид режими истиқболсиздир. Преториянинг ғарбдаги иттифоқчилари қўллаб-қувватланаётганлиги режимнинг бирдан-бир таянчидир, деди Танзания хотин-қизлари иттифоқининг бош секретари Кате Камба хоним. У Жанубий Африка республикасидаги африкалик хотин-қизларнинг аҳволига бағишланиб бу ерда очилган халқаро семинарда сўзга чиқди.

Апартеид давлатида африкалик хотин-қизлар ирқий ва социал жабр-зулмга дучор қилинмоқда, деб таъкидлашди учрашувда сўзга чиққан Танзания жамоатчилиги ва Африка жануби миллий озодлик ҳаракатларининг вакиллари. Улар малакали иш билан таъминланиш имкониятига эга эмаслар, аёллардан кўпчилигига ҳатто шаҳарларда вақтинча яшаш ҳам тақиқланган. Режимнинг «қонунлари» минглаб оилаларни бир-биридан айириб қўймоқда, чунки саноат марказларида иш топиш бахтига муяссар бўлган африкаликлар ўзларининг оила аъзоларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқдалар.

(ТАСС).

БАНДИТЛАРГА ҚАРШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР

КОБУЛ, 11 сентябрь. (ТАСС). Чет эллардан Афғонистон территориясига юборилаётган аксилинқилобчи унсурларнинг жинояткорона ҳуружларига қарши афғон халқи кескин зарба бермоқда. Бахтар агентлигининг хабар қилишича, кейинги вақтларда Ҳирот, Кандаҳор, Парвон, Балх, Бадғис ва Нангарҳар вилоятларида бандитларга қарши муваффақиятли операциялар ўтказилган. Ғарбда ва Покистонда ишлаб чиқарилган қуроллар ўқлар учта омбори шу операциялар вақтида яксон қилинди, 43 бандит асир олинди. Айни вақтда бандит бўлинмаларида айниш жараёни давом этмоқда. Ўз халқига қарши кураш истиқболсиз эканлигини англаган 94 киши қуролни ташлаб, маъмурларга таслим бўлди.

СУЗ — «ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» III БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

МУХЛИСЛАРДАН МИННАТДОРМАН

Ану КААЛЬ,
«Эстония» Давлат опера ва балет театрининг солистка-си, СССР халқ артисти.

— ЎЗБЕКИСТОНДА 1978 йилда бўлган эдим, лекин санъаткор сифатида республикангизга биринчи марта ташриф буюришим. Айтишим керакки, биз ҳар қадамда ўзбек халқининг қайноқ меҳри ва меҳмондўстлигига дуч келмоқдамиз. Тошкент кейинги йилларда яна ҳам гўзаллашибди, янги осмонўпар бинолар, замонавий турар-жой массивлари қад кўтарибди.

Театрда йигирма йилдан бери ишлаб келаётирман, жуда кўплаб хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда бўлганман, лекин тошкентлик томошабинларнинг юксак эстетик диди ва опера санъатини юракдан ҳис этиши менда жуда катта таассурот қолдирди. Чунки сени яхши тушунадиган томошабинлар олдида ўз санъатингни намойиш қилишинг ниҳоятда қадрлидир. Шунинг учун ҳам «Баҳор» концерт зали, Тошкент Давлат консерваториясида тўпланган санъат ихлосмандлари мен ижро этган опералардан парчаларни, чет эл ва мамлакатимиз композиторларининг қўшиқларини чексиз қувонч билан қарши олдилар. Албатта, бу ҳар бир санъаткор учун катта шарафдир. Шу боисдан ҳам «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали бадиий коллективлар ва ижрочиларга янги дўстлар туҳфа этмоқда, уларни бундан кейин ҳам самарали ижод қилишга руҳлантирмоқда.

ҚЎШИҚ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Вергилиус НОРЕЙКА,
Латвия ССР Давлат опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти.

— МЕНИ «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалига таклиф этишганидан беҳад хурсандман. Ҳар бир санъаткор янги томошабинлар ҳузурида қўшиқ ижро этсам деган ният билан яшайди, зотан у улар ҳузурида ниҳоятда катта масъулият сезади, айни чоғда бу ижодий мулоқот ижрочига чексиз ҳаяжон бахш этади. Шу сабабдан ҳам тошкентлик санъат мухлисларига репертуаримдаги энг яхши номерларни намойиш этар эканман, улар мени қайта-қайта саҳнага таклиф қилишганидан бошим осмонга етади. Бу ҳар бир ижодкор ҳаётида унутилмас воқеадир. Чунки биз қўшиқ кишилар учун ҳаёт эканлигини, қўшиқсиз яшаб бўлмаслигини жуда яхши ҳис этамиз. Ўйлайманки, томошабинлар билан бўлган дастлабки ҳаяжонли учрашувлар Тошкент областининг шаҳар ва районларида ҳам давом этади.

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишланганлиги билан характерлидир. Биз бу улуғ шодиёна арафасида томошабинлар билан учрашаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда «оқ олтин»дан улкан хирмон яратаётган азамат пахтакорларнинг қаҳрамонона ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

● «ТОШКЕНТНИНГ олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивалида мамлакатимизнинг таниқли бадиий коллективлари ва талантли ижрочилари иштирок этишмоқда. Суратда: Озарбайжон ССР Давлат хизмат кўрсатган ашула ва рақс ансамблининг раққосалари; (чапдан) Л. Пашаева, А. Антонян, Э. Алиева.

С. Маҳкамов фотоси.

САНЪАТИМИЗНИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ

БЎЁҚЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЁТ

Рассом устахонасини турли ҳажмда ишланган асарлар эгаллаган. Жавонда катта-кичик мўйқаламлар. Столда эса ранг-баранг бўёқлар. Ижодкор илҳом оғушида. Янги асар секин-аста ўз жилосини топмоқда. У қўлидаги мўйқаламини енгил, айни пайтда, ишонч билан полотно узра юргизмоқда. Балки бу рассомни танирсиз? Чунки унинг номини газета ва журналлар саҳифаларида, китоб титулларида ўқигансиз, асарларини томоша қилгансиз. Биз уни сизга яқиндан таништириш ниятидамиз. Танишинг: бу ёш истеъдодли рассом Темур Саъдуллаев.

Т. Саъдуллаев 1948 йилда Жиззах областининг Ғаллаорол районида деҳқон оиласида туғилди. Шу ерда ўрта мактабни тугаллади. Унга рассом бўлиш орзуси тинчлик бермасди. Кунлардан бирида Т. Саъдуллаев чизган машқларини тўплаб Ўзбекистон ССР халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаров ҳузурига келди. Атоқли рассом ундаги истеъдод ва меҳнатсеварликни илғаб, қимматли маслаҳатлар берди. Ўшанда у эндигина 17 баҳорни қаршилаган эди. Шушу бўлди-ю, ёш рассом устоз санъаткорга шогирд тушди.

Т. Саъдуллаев 1966 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг бадиий графика факультетига ўқишга кирди. Бу ерда у Малик Набиев, Абдумўмин Бойматов каби таниқли мусаввирлар қўлида таҳсил олди. Билимини ошириш устида қунт билан ишлади. «Навоий лирикаси» номли диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ўқишни яхши натижалар билан якунлаган рассом 1971 йилдан буён Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бош рассом бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида мунтазам қатнашиб келаётган Т. Саъдуллаевнинг асарлари элга манзур бўлмоқда. Рассом асарлари киши хаёлини гоҳ узоқ ўтмишга элтса, гоҳ ҳозирги кунимизга тортади. У яратган «Абу Али ибн Сино», «Навоий ва Беҳзод», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» каби асарларда улуғ аллома ва ижодкорларнинг ёрқин бўёқларда акс эттирилган образларини кўрамиз. Шу жиҳатдан «Навоий ва Беҳзод» портрети эътиборга сазовор. Т. Саъдуллаев ўзининг бу асарида XV асрнинг йирик шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳамда унинг ҳомийлигида ижод этиб, ўзига хос рассомлик мактаби яратган машҳур мўйқалам соҳиби Камолиддин Беҳзод сиймоларини моҳирона тасвирлаган. Асарда Алишер Навоий ва Беҳзоднинг ижодий мулоқотдаги ҳолатлари муҳрланган.

Т. Саъдуллаевнинг замонавий мавзуларда яратган «Ёшлик» триптихи, «Душанба. Тонг», «Студентлар пахта даласида», «Москва» меҳмонхонаси», «Оналик», «Мева терими» ва бошқа ишлари ҳам мавжуд. Бу асарларда фаровон замонамизда ўзларининг фидокорона меҳнатлари, ўқиш ва изланишлари билан коммунизм пойдеворини яратаётган совет ёшларининг образлари ёрқин акс эттирилган.

Т. Саъдуллаев портретларида инсон қалбининг нозик томонларини тасвирлашга мойиллик кучли. Шу маънода унинг «Озарбайжонлик йигит», «Шоир Омон Матжон», «Профессор Солиҳ Муталлибов», «Профессор Ҳамид Сулаймон», «Академик Воҳид Зоҳидов», «Академик Воҳид Абдуллаев» каби портретлари диққатга лойиқ. Рассомнинг бу асарларида деталлардаги аниқликни, шу билан бирга умумий тугалликни, айни пайтда ижродаги етукликни алоҳида таъкидлаш лозим.

Рассом айни кунларда ўзининг янги асари устида қунт билан ишламоқда. Ушбу йирик полотно «Абадият бешиги» деб ном олди. Рассом бу асарини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига бағишлаган. Асар халқимизнинг қисқа давр ичида босиб ўтган шонли йўли, Улуғ Октябрнинг оламшумул тарихий ғалабаси хусусида ҳикоя қилади.

Истеъдодли рассом Т. Саъдуллаевнинг ижоди серқирра. Рассом юксак инсоний туйғуларни бўёқларда моҳирона тараннум этиб, жозибали санъат асарлари яратяпти...

Б. ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.

СУРАТЛАРДА: рассом Т Саъдуллаевнинг Бухородаги «Афшона» чойхонасига ишлаган расмларидан намуналар.

ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1985 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газетанинг обуна баҳоси:

бир йилга — 6 сўм 60 тийин,

олти ойга — 3 сўм 30 тийин.

Обуна барча алоқа бўлимларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Газетани ҳар куни ўз вақтида олиб туриш учун обуна бўлишни унутманг.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

● Ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ спартакиадаси қизғин паллага кирмоқда. Қиличбозлик мусобақаларида ҳамшаҳаримиз Валерий Сизов иккинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди. Ўзбекистон терма командаси қирғизистонлик футболчиларни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Республикамиз ёш шахматчилари эса эстониялик тенгқурлари устидан 5:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Теннисчи ёшларимиз Арманистон командасига, қизларимиз эса белоруссияликларга бир хил 1:3 ҳисобида утқаздилар. Қўл тўпи бўйича мусобақаларда эса республикамиз вакиллари украналик рақибларини 38:22 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

4 ЎЙИНДАН 4 ОЧКО

● Пойтахтимиздаги республика шахмат-шашка клубида мамлакатимизнинг энг кучли спорт мастерлигига номзодларнинг турнири бўлиб ўтмоқда. Унда 32 шахматчи иштирок этяпти. Шу кунгача тўрт тур ўтказилиб, тўрт очко жамғарган чирчиқлик Михаил Салтаев пешқадамлик қилмоқда. Тошкентлик Роман Крант 3,5 очко билан иккинчи ўринда бормоқда.

23 ЎЙИН, 22 ҒАЛАБА

«ЧИНОЗ» НАСЛЧИЛИК СОВХОЗ- ТЕХНИКУМИНИНГ ФУТБОЛ КОМАНДАСИ ОБЛАСТЬ БИРИНЧИЛИГИНИНГ ЯККА ПЕШҚАДАМИ

Чиноснинг «Чорвадор» футболчилари бу йилги мавсумда илк бор 24 март куни майдонга тушиб, Красногорскнинг «Шахтёр» командаси билан учрашган эдилар. Мусобақада чинозликлар 5:0 ҳисобида ғалабага эришиб, биринчи турдан чемпионат карвонбошиси бўлиб қолгандилар. Команда ҳозиргача пешқадамлики ҳеч кимга бергани йўқ.

«Чорвадор» 23 ўйинда 44 очко жамғариб рақиблар дарвозасига 82 та тўп киритди, ўз дарвозасидан эса 17 та тўп қўйиб юборди, холос. Чинозликлар бирин-кетин Чирчиқнинг «Сплав» коллективини 4:1, Бекободнинг «Цементник» футболчиларини 7:0, Оққўрғоннинг Сегизбоев номли совхоз спортчиларини ҳамда Тошкент область динамочиларини 6:2, Келесининг «Умид» коллективини 4:0 ҳисобида мағлуб этдилар. Иккинчи даврада ҳам муваффақиятни мустаҳкамлаб бордилар ва ўзларига хос рекорд ўрнатдилар: 23 ўйин — 22 ғалаба!

Биз команда тренери Эдуард Борисович Вертоградовдан бу зафарларга муносиб ҳисса қўшаётган футболчиларни тилга олишни сўраймиз.

— Рифкат Эшмурзин таниқлган бомбардиримиз ҳисобланади, — дейди у. — У 23 тўпнинг автори. Шунингдек, Николай Зайцев 10, Муҳиддин Азизхўжаев 6, Сновер Ваапов 5, Баҳодир Аббосов 3 марта рақиб дарвозасини аниқ нишонга олишган. Бу фактлардан кўриниб турибдики, футболчиларимизнинг кўпи ҳужумда актив қатнашишади.

У турнир жадвалининг иккинчи поғонасини эгаллаб турган Ангреннинг «Шахтёр», областнинг «Динамо» коллективлари билан бўлган қизиқарли учрашувлар ҳақида сўзларкан, Юсуф Ҳайдаров, Владимир Сидоров, Владимир Лутаев, Виктор Васильев, Виктор Кабанов, Рустам Милушев каби футболчиларнинг маҳоратини, майдонда чинозликларнинг устунлигини мамнуният билан таъкидлайди.

«Чорвадор» ҳозир ангренликларда етти очко олдинда.

Хўш, чинозликларнинг бу йилги катта муваффақиятининг боиси нимада? Энг аввало, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида физкультура ва спортни ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганлигида. Бу ерда спортнинг ўнга яқин тури бўйича жаҳон чемпионати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.00 — Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Ирландия — СССР. 21.30 — «Время». 22.00 — Хоккей бўйича «Канада кубоги» халқаро турнири.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15—9.35 — Телефильм. 10.55 —11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — 13.05 — «Оила ва мактаб». 14.25 — «Сен қонунни биласанми?». «Кўча тасодифларга тўла». 15.00 — «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм. 16.25 — 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телефильм. 19.05 — «Цирк шарҳи». 20.00 — Сиз яратган боғ. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Танлаш». Бадиий фильм. 23.15 — Менинг қадрдон Подмосковьем.

УзТВ-I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — «Бойчечак». 10.50 — Бадиий фильм. 1-серия. 11.55 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильмлар. 19.00 — «Ёшлик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Илҳом». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Эстрада концерти. 21.30 — «Время». 22.00 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 — «Жиноят». Бадиий фильм. 2-фильм.

УзТВ-II. 9.00—16.30 — МТ-II.

БАЛЕТ-ОРАТОРИЯ

● Таниқли драматург Ўлмас Умарбековнинг кўпгина асарлари саҳна юзини кўрган. «Шошма, қўёш!» драмаси ҳам адиб ижодида алоҳида ўрин тутади. Бу асар Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри репертуаридан муносиб ўрин олди. Мураккаб ҳаётий воқеаларга бой мазкур пьеса яқинда ўзининг яна бир саҳна талқинини топади. Истеъдодли композитор Р. Абдуллаев ана шу асар асосида балет-ораториясини ёзиб тугатди. Онаватан меҳри билан яшаган фидойиларни мадҳ этувчи бу саҳна асарида давр руҳи ёрқин ва таъсирчан музика оҳангларида ўз аксини топди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон СССР Давлат академик опера ва балет катта театри «Шошма, қўёш!» балет-ораторияни саҳналаштиради. Буюк ғалабанинг қирқ йиллигига бағишланган мазкур асар томошабинларга манзур бўлади деган умиддамиз.

С. ОДИЛОВА.

«УСТА» БУЮМЛАРИ

Халқ санъати усталари «Уста» бирлашмаси беш мингдан ортиқ амалий санъат буюмларини шу ойда бўладиган Москвадаги халқаро савдо кўргазмасига юборди.

Улар ичида Ургут, Шаҳрисабз, Ургенч, Андижон, Тошкент, Самарқанд кулолчилик буюмлари, шунингдек Ургут каштаси, Тошкентнинг гулдор газламаси, металл ва ёғочдан ишланган буюмлар бор. Бундай амалий санъат асарлари М. Облоқулов, А. Музаффаров, Н. Холматов, Ш. Облоқулова, Ш. Муҳаммаджонов ва бошқа санъат усталари қўлларида сайқал топган.

О. АПУХТИН.

КАМИДА УЧ-ТЎРТ НАШРГА

Темирйўл бошқармаси Тошкент бўлими Чирчиқ станцияси ишчи-хизматчилари вақтли матбуотга обуна бўлишни қизғин давом эттирмоқдалар. Шу кунгача барча ходимлар камида уч-тўрттадан матбуот нашрига ёзилишди. Айниқса, мастер А. Шокиров, бригадир В. Дя, Г. Қозоқбоев, М. Тожиев ва бошқа ишчилар хилма-хил нашрларга ёзилишди. Обунани ўтказишда станция навбатчиси М. Белкова ва қабул бўлими ходими Л. Шляховалар актив иштирок этмоқдалар.

И. ЗИМИН.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.55 — Телефильмлар. 10.30 — «Ер». Бадиий фильм. 11.55 — Қалбга яқин қўшиқлар». 12.35 — Телевизион очерк. 13.05 — 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.40 — А. М. Горький. «Тубанликда». 16.30 — Ўрмон комплексининг техникаси. Репортаж. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 —«...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.15 — Халқаро дўстлик мусобақаларида. 19.00 — Шахмат

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ «ТУРИСТ»

САМОЛЕТДА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Железноводскга — 6 ноябрдан 23 ноябргача. Путёвка баҳоси—206 сўм.

Ессентукига — 24 октябрдан 12 ноябргача, 5 декабрдан 24 декабргача, 26 декабрдан 14 январгача. Путёвка баҳоси — 250 сўм.
Кисловодскга — 17 ноябрдан 6 декабргача. Путёвка баҳоси—225 сўм.
Ялтага — 3 ноябрдан 25 ноябргача. Путёвка баҳоси—280 сўм. 13 декабрдан 2 январгача. Путёвка баҳоси—270 сўм.

Сочи—«Дагомис» туристик комплексига — 12 декабрдан 1 январгача, 29 декабрдан 18 январгача. Путёвка баҳоси—330 сўм.
Гаграга—13 ноябрдан 1 декабргача. Путёвка баҳоси—245 сўм. 30 ноябрдан 19 декабргача. Путёвка баҳоси—225 сўм.

Тарту—Каунас (Литва)га — 29 октябрдан 9 ноябргача. Путёвка баҳоси — 270 сўм.
Калининград — Паневежисга — 26 ноябрдан 8 декабргача. Путёвка баҳоси — 255 сўм.
Визу—Ленинградга — 30 октябрдан 9 ноябргача. Путёвка баҳоси — 272 сўм, 27 ноябрдан 7 декабргача, 18 декабрдан 28 декабргача. Путёвка баҳоси—222 сўм.

Ленинград—«Лосево» туристик базасига — 10 декабрдан 21 декабргача. Путёвка баҳоси — 270 сўм.
Шяуляй—Палангага — 18 октябрдан 30 октябргача. Путёвка баҳоси — 315 сўм, 15 ноябрдан 27 ноябргача. Путёвка баҳоси — 265 сўм.
Каунас—Шяуляйга — 22 октябрдан 4 ноябргача. Путёвка баҳоси—275 сўм.

Львов—Дрогобич (Трускавец шаҳрини зиёрат қилиш билан бирга)га — 12 октябрдан 1 ноябргача. Путёвка баҳоси — 340 сўм, 19 ноябрдан 9 декабргача, 8 декабрдан 28 декабргача. Путёвка баҳоси — 295 сўм.

Москва — Суздаль—Москва (Палех, Владимир, Иваново, Боголюбово шаҳарларини зиёрат қилиш билан бирга, Москва шаҳрида «Измайлово» комфорт табелли олимпия комплексида жойлашилади)га — 7 октябрдан 18 октябргача. Путёвка баҳоси—340 сўм, 11 ноябрдан 22 ноябргача. Путёвка баҳоси—320 сўм, 9 декабрдан 20 декабргача. Путёвка баҳоси—300 сўм.

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

Республика Ўқув-курс комбинати

1984-85 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади. Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқув курс комбинати озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат (саноат) товарларни ҳамма профиллари бўйича сотувчи ва контролёр-кассирларни тайёрлайди.

Ўқув-курс комбинатига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган ўрта маълумотли, 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқув-курс комбинатини тугатганларга «Сотувчи», «Контролер-кассир» деган малака берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқув-курс комбинати тингловчилари ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳридаги энг яхши савдо корхонасида ўтадилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тоширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, фотосурат (3х4 см.) 4 дона ёки 6 дона.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов ёнидаги, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиника касалхонаси» 4, 9-трамвайларнинг «Чопон ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

ДИҚҚАТ! АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ!

Алоқа иншоотлари муҳофаза зонасида тупроқ ишларини бажараётган ташкилотлар раҳбарлари ёки айрим гражданлар ишларни бошланишидан камида бир кеча-кундуздан кечиктирмай қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

— ишларни амалга оширишда Тошкент алоқа эксплуатация-техника узел вакили қатнашиши лозимлиги туфайли, алоқа линиясидан фойдаланувчи корхонага ишларни оажариш куни ва вақти ҳақида телефонограмма билан хабар қилиш;

— алоқа иншоотлари сақланишини таъминлаш;

— алоқа линияларида кишилар ҳаёти учун хатарли кучланиш мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда электр токидан зиён кўриш хавфи тўғрисида огоҳликка эга бўлиш.

Алоқа иншоотларига зарар етказганлик учун корхона раҳбарлари, ишларни бажарувчилар, шунингдек алоҳида гражданлар жавобгарликка тортиладилар.

Маълумотлар олиш учун Тошкент эксплуатация-техника узелига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этилсин: 35-25-05, 35-18-82.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Олтин девор**, 14/IX да **Ҳар тўкисда бир айб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IX да **Ешликда берган кўнгил**, 14/IX да **Гулсара.**

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА **11, 12, 13, 14, 15, 16 сентябрга белгиланган**

КОНЦЕРТ

СССР халқ артисти Жўрабек МУРОДОВ касал бўлиб қолганлиги муносабати билан

ҚОЛДИРИЛАДИ.

Билетлар 25 сентябргача қайтариб олинади.

Р. 20068. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1782. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12